

References:

1. Based on www.lex.uz.
2. Khujamkulov D.Y.: Free economic zones. Textbook. – T.: Economy, 2019y. 8-9 pages.
3. Kim Y., What can Africa learn from China's special economic zones?, The Conversation, 2015.
4. Nyakabawo W., The geographic designation of Special Economic Zones, TIPS, 2014.
5. Naydenov, Kliment. (2018). The role of free economic zones for the development of the regional economy. 10.5593/sgemsocial2018/5.2/S20.069.
6. Ignatov V. G., Butov V. I. Svobodnye ekonomicheskie zony [Free economic zones]. Moscow, Os'-89 Publ., 1997. 189 p.
7. Sutyurin S. F., Kharlamova V. N., eds. Mezhdunarodnye ekonomicheskie otnosheniya [International economic relations] St. Petersburg, SPb Univ. Publ., 1996. 248 p.
8. Papov Vladimir. The Immortal idea of a free economic zone, Georgian Foundation for Strategic and International Studies, 2007. - R. 1-16p.
9. Rybakov S.A. Special economic zones in Russia. Nalogovye lgoty and preimushchestva. / S.A.Rybakov, N.A.Orlova. - M.: Vershina, 2006 - 248 p.
10. Vakhobov A.V., Khajibakiev Sh.X., Muminov N.G. Foreign investment. Study guide. - T.: Finance, 2010. - P. 180
11. Igoshin N.V. Investments. Organization, management and financing. Textbook for universities. - M.: Finansy, YuNITI, 2000. - 242 p.
12. Danko T., Okrug Z. Free Economic Zones of the world: Textbook.// Russian Economics Academy named after G.V.Plexanov. - M.: Infra-M, 1998. - 168 p.
13. Made by the authors based on data from www.worldbank.org
14. Based on the data of www.uza.uz - National News Agency of Uzbekistan.
15. Raimjonova M.A. Attracting investments in free economic zones in Uzbekistan: theoretical foundations, current status and prospects. - T.: "Extremum-press" publishing house, 2013
16. Salimboev B.B. Organizational and economic bases of small industrial zones in Uzbekistan. // "Economics and innovative technologies" scientific-electronic journal. - № 1, January-February, 2018
17. Ambroziak A., Hartwell C. (2018). The impact of investments in special economic zones on regional development: the case of Poland. Regional Studies, Taylor & Francis Journals, vol. 52(10), 1322-1331. doi: 10.1080/00343404.2017.1395005.



МАШИНА ВА УСКУНАЛАРДАН ТАШҚАРИ ТАЙЁР МЕТАЛЛ БУЮМЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИОН САМАРАДОРЛИК
ВА УНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Усманов Бахтиёр Хусанбоевич -
Тошкент давлат иқтисодийёт
университети мустақил изланувчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a17

Аннотация. Ушбу мақолада машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш йўллари ва усуллари кенг баён қилинган. Шунингдек, тармоқда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари ўрганилган ва муаллифлик ёндашувлари таклиф этилган. Инвестиция маблағининг самарадорлигини ифодаловчи асосий қўрсаткичлар таҳлил қилинган. Инвестицион жараёнларни самарали амалга ошириш ва ишлаб чиқиш тамойиллари ҳамда инвестицион сиёсат самарадорлиги индикаторлари келтирилган, шунингдек, уларнинг риск даражалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари Ўзбекистон саноатининг машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғи бўйича инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги индекси (ICOR) ва тармоқда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш индекси ҳисоблаб чиқилган.

Калит сўзлар: машина, ускуна, самарадорлик, индекс, саноат, тармоқ, металл, буюм, инвестиция, инвестиция самарадорлиги.

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ И МЕТОДЫ ЕЕ ОЦЕНКИ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ
ГОТОВОЙ МЕТАЛЛИЧЕСКОЙ ПРОДУКЦИИ КРОМЕ МАШИН И ОБОРУДОВАНИЯ

Усманов Бахтиёр Хусанбоевич -
Ташкентский государственный экономический
университет независимый исследователь

Аннотация. В данной статье подробно описаны пути и средства достижения эффективности инвестиций в производство готовых металлических изделий помимо машин и оборудования. Также изучены методы оценки эффективности использования инвестиций в сети и предложены авторские подходы. Проанализированы основные показатели, отражающие эффективность инвестиционных фондов. Представлены принципы эффективной реализации и развития инвестиционных процессов, а также показатели эффективности инвестиционной политики, а также проанализированы их уровни риска. Кроме того, рассчитан индекс эффективности инвестиций в производство готовых металлических изделий, кроме машин и оборудования Узбекистана (ICOR) и индекс использования экономического потенциала по привлечению прямых иностранных инвестиций в отрасль.

Ключевые слова: техника, оборудование, эффективность, индекс, промышленность, сеть, металл, изделие, инвестиции, эффективность инвестиций.

INVESTMENT EFFICIENCY AND METHODS OF ITS EVALUATION IN THE MANUFACTURING OF FINISHED METAL PRODUCTS OUT OF MACHINE AND EQUIPMENT

*Usmanov Bakhtiyor Xusanboevich -
Tashkent State Economy
University Independent Researcher*

Annotation. This article describes in detail the ways and means to achieve the efficiency of investment in the production of finished metal products in addition to machinery and equipment. Methods for evaluating the effectiveness of the use of investments in the network have also been studied and authorial approaches have been proposed. The main indicators representing the efficiency of investment funds are analyzed. The principles of effective implementation and development of investment processes, as well as indicators of the effectiveness of investment policy are presented, as well as their risk levels are analyzed. In addition, the index of efficiency of investment in the production of finished metal products other than machinery and equipment of Uzbekistan (ICOR) and the index of the use of economic potential in attracting foreign direct investment in the industry was calculated.

Keywords: machinery, equipment, efficiency, index, industry, network, metal, item, investment, investment efficiency.

Кириш. Ҳар бир мамлакатнинг дунё бўйича рейтинги, аввало, унинг иқтисодий кўрсаткичлари, иқтисодий тараққиёти ва глобал иқтисодий жараёнлардаги тугган ўрнига боғлиқдир. Бундай иқтисодий ривожланишга мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқлари ривожланиши билан эришиш мумкин. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва хизматлар соҳалари қанчалик ривожланса, мамлакат иқтисодий жиҳатдан шунчалик юқори натижаларга эга бўлади. Мазкур тармоқларнинг нафақат нормал фаолият юритиши, балки барқарор ривожланишида саноатнинг машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғи муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғи барча тармоқларнинг технологик ишлаб чиқариш тизимини асосий ва бутловчи қисмлар билан таъминлайди. Шу боисдан мазкур тармоқнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай тармоқнинг барқарор ривожланишида, асосан, капитал талаб этилади. Демак, ушбу капиталнинг самарали ва мақсадли сарфланиши тармоқ самарадорлигини таъминлашнинг асосий усулидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2021 йилда тармоққа 1121,1 млрд. сўм инвестиция жалб этилган. Юқоридаги гипотеза бўйича мазкур инвестициялардан самарали фойдаланиш тармоқ иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади. Аммо бу ўта мураккаб кўп босқичли жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга қадар жаҳондаги бирор мамлакат ёки халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестициялардан самарали фойдаланишни

ифода этувчи ягона индикатор қабул қилинган эмас. Бу эса ўз навбатида, тармоқ ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда қўшимча илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тармоқ корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ёки уни тиклашга энг катта ҳисса қўшувчи омил инвестициялардир [1]. Бундан келиб чиқадикки, инвестиция фаолиятида иқтисодий самарадорликни ошириш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларга баҳо бериш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга [2].

Айниқса, бугунги ноаниқлик шароитида инвестицияларни бошқариш ва саноат корхоналарининг инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш зарурати ошиб бормоқда ва бу реал инвестицияларни бошқариш жараёнида инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг услубий базасини такомиллаштириш долзарблигини белгилайди [3].

Декмак, инвестициялардан самарали фойдаланишда унга таъсир қилувчи омилларни ажратиш олиш ҳамда шу омиллар таъсирининг ижобий бўлиши учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, турли иқтисодий адабиётларда инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи турли омиллар кўриб чиқилади [4].

Масалан, Ю.А.Корчагин ва И.П.Маличенко “самарали бозор иқтисодиётининг шаклланиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши, инновацион иқтисодиётнинг яратилиши, саноат ва иқтисодиётнинг диверсификациялашуви” каби омилларни инвестицион жараёнларни фаоллаштиради деб қарайди [5].

Д.А.Розанов инвестицион фаоллик даражасининг пасайишини бевосита “иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хатолар, тармоқлараро мутаносибликнинг ва бозор эркинлигининг бузилишлари” кабилар

билан изоҳлайди [6].

Д.В.Бирюков инвестиция самарадорлигининг ошишини барча ишлаб чиқариш омилларидан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархининг пасайиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши билан изоҳлайди [7].

Бошқача айтганда, тармоқнинг инвестиция самарадорлигига унинг ўзига хос хусусиятлари таъсир қилади [8]. Шунингдек, инвестиция сарфининг таркиби ҳам муҳим аҳамият касб этади [9].

Айрим иқтисодий адабиётларда эса инвестицияларнинг самарадорлиги ахборот асимметриясига боғлиқлиги илгари сурилган [10]. Шунингдек, инвестицияларнинг сарфланиш йўналишлари ёки унинг техник таркиби ҳам самарадорлигига катта таъсир кўрсатади [11].

С.А.Жигаревнинг фикрича, тармоқнинг инвестицион жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи барча омиллар тизимини таснифлаш ва уларни машинасозлик ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсирини асослаш мақсадга мувофиқдир [12].

Айниқса, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестициялардан самарали фойдаланиш жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Биринчи навбатда, инвестициялардан самарали фойдаланиш тармоқнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва динамикасига боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур тармоқнинг устувор йўналишларига, хусусан, юқори фойда олиш юқори технологияли машинасозлик тармоқларига инвестиция қўйишга ҳам боғлиқдир.

Инвестор учун ҳар бир машинасозлик тармоғига киритилаётган инвестициялар инвестицион лойиҳа сифатида қаралади ва у инвесторга инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш масаласини олдинга қўяди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, кузатиш, солиштириш, таққослаш ва эксперт баҳолаш усуллари билан кенг фойдаланилган. Шунингдек, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестицион самарадорлигининг мазмун-моҳияти ва уни баҳолаш усуллари бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқотлари чуқур ўрганилиб, шу бўйича муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, инвестициялаш жараёнларининг самарадорлигини пасайтирувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, мазкур омиллар инвестициялар самарадорлиги пасайишига олиб келади. Бундай омилларга юқори суръатли инфляция даражаси ва солиқ ставкасини киритиш мумкин. Инвестиция самарадорлигини ҳисоблашда, албатта, инфляцияни

ҳисобга олиш, яъни келажакда кутилаётган суммадан инфляция суммасини чегириб ташлаш керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғининг инвестицион жараёнлари самарадорлигига ўзаро таъсир этувчи омилларни 4 та асосий турга ажратиш мумкин. Яъни ресурс жиҳатдан, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий [13].

Фикримизча, инвестицион жараёнларни самарали амалга ошириш ва ишлаб чиқиш учун қуйидаги тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- танланган лойиҳаларни юқори самарадор тармоқларга йўналтириш;
- инвестицион фаолиятнинг стратегик ва тактик бошқарув мақсадларини биргаликда олиб бориш;
- ечимлар қабул қилиш жараёнида инвестицион рисклар даражасини ҳисобга олиш;
- фан-техника тараққиёт натижаларидан кенг фойдаланиш;
- инвестицион фаолиятнинг инвестициялар самарадорлигига ўзаро таъсир этувчи омиллар ўзгаришининг мослигини таъминлаш;
- инвестиция жараёнларига малакали кадрларни йўналтириш.

Кўрсатиб ўтилган тамойилларга амал қилиш натижасида тармоқда инвестиция жараёнларининг самарадорлиги ошади ва мазкур жараёндаги самарадорлик қуйидагича ҳисобланади [14]:

$$Ч_о = Ч_{о1} - Ч_{о2} \quad (1)$$

Бу ерда: $Ч_о$ – инвестиция ҳисобига қўшимча соф даромад,

$Ч_{о1}$ – инвестиция амалга оширилганидан кейинги қўшимча соф даромад,

$Ч_{о2}$ – инвестиция амалга оширилгунига қадар қўшимча соф даромад.

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестициялардан самарали фойдаланиш фақатгина инвестиция жараёнларининг самарадорлигига эмас, балки машинасозлик корхоналарида амалга оширилаётган инвестицион сиёсат самарадорлигига ҳам бевосита боғлиқдир.

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестиция сиёсатининг бир томони инвестиция мақсадларини ҳисобга олиши керак бўлса, иккинчи томондан эса қўйилмаларнинг риск даражасини ҳам инобатга олмоғи лозимдир. Шунингдек, бу борада баланслаштирилган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга

мувофиқ бўлиб, бунинг биринчи қадами инвестициялашга нисбатан профессионал ёндашувни амалга оширишни талаб этади.

Инвестицион сиёсатни амалга ошираётган даврга нисбатан қисқа бўлган даврлар оралиғи-

да мазкур сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги инвестицион сиёсат самарадорлиги индикаторларидан фойдаланиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар инвестицион сиёсат самарадорлиги индикаторлари [15]

Индикаторлар	Риск даражаси		
	Қуйи даража	Йўл қўйилган даража	Юқори даража
Иқтисодий рентабеллик (капиталнинг рентабеллиги)	Банк фоизига нисбатан рентабеллик юқори	Рентабеллик банк фоизи даражасида	Банк фоизига нисбатан рентабеллик паст
Солиқ хатоликларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияланган капитал ўртача тортилган баҳосининг иқтисодий рентабелликка нисбати	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига нисбатан юқорилиги	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига тенглиги	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига нисбатан пастлиги
1 фоизли активларнинг қўшимча ўсишига тўғри келадиган асосий фондларнинг қўшимча ўсиши	Ортиб кетиши	Тенг бўлиши	Орқада қолиши
Доимий активлар индекси	1 дан кичик	1 га тенг	1 дан катта
Молиявий-эксплуатацион эҳтиёжлар	Хусусий манбалар ҳисобидан таъминланади	Хусусий манбалар ва қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан таъминланади	Айланма узоқ муддатли заёмлар ҳисобидан таъминланади
Соф тушумлар коэффициенти	Ортиб боради	Мумкин бўлган даражада сақланиб қолади	Тушади

Жадвалда келтирилган маълумотлар даромад ва риск нуқтаи назаридан инвестиция сиёсатининг самарадорлик индикаторларини ўзида ифода этади. Шунингдек, корхона рисклари ва даромадлилик индикаторлари ёрдамида инвестицион сиёсатнинг қай даражада амалга ошаётганлигини мониторинг қилиш мумкин ва бу, ўз навбатида, инвестицион мақсадлар қай даражада амалга ошаётганлигини кўрсатиб беради.

Муаллиф машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестицион жараёнлар самарадорлиги ва амалга ошириладиган инвестицион сиёсат самарадорлигини таҳлил этган ҳолда тармоқда инвестициялардан самарали фойдаланишни ифода этувчи қуйидаги индикаторларни таҳлил қилиб бориш ва мониторинг қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

- тармоққа жалб қилинган 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган машинасозлик тармоғининг ялли маҳсулот қиймати (сўм/сўм);
- машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида жалб қилинган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати (фоиз);
- машина ва ускуналардан ташқари тайёр

металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиш суръати (фоиз);

- саноатда жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида машинасозлик тармоғига жалб қилинган инвестицияларнинг ҳиссаси (фоиз);

▪ машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида банд бўлган 1 кишига тўғри келадиган инвестиция ҳажми (киши/сўм);

▪ машинасозлик тармоғида жалб қилинган инвестициялар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони (млн. сўм/та);

▪ машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг фойда қайтими муддати (кун) ва ҳоказо.

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоқларида инвестицияларни самарали жойлаштириш бир қатор масалаларнинг ижобий ечими билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, тармоққа инвестицияларни жалб этиш орқали янги иш ўринлари сони ортади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш

ҳажми кенгаяди ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошади;

иккинчидан, тармоққа инвестицияларни жалб этиш орқали мамлакатда техника ва технологиялар ҳажми кўпайиб, бу эса саноатнинг технологик даражаси ортишига олиб келади, натижада саноат маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот яратиш имконияти кенгаяди;

учинчидан, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қурилган корхоналарда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқариш учун имкониятлар янада кенгаяди.

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида инвестиция маблағларидан унумли фойдаланиш инвестиция маблағидан фойдаланишни такомиллаштириш, қурилиш объектларининг муддатини қисқартириш, инвестиция маблағини долзарб лойиҳаларга сарфлаш, қурилиш объектлари таннархини пасайтириш, юқори малакали кадрлар, фан-техника, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий ривожланишни тезлатишдан иборатдир.

С.Р.Умаровнинг фикрига кўра, инвестиция маблағининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичлар ёрдамида ҳам аниқланади [16]:

✓ меҳнат бирлигида тежалган жонли меҳнат. Бу кўрсаткич инвестиция маблағлари сарфида меҳнат унумдорлигининг қанча ортанлиги ҳамда меҳнатнинг енгиллашганлигини кўрсатади;

✓ маҳсулот бирлигини етиштиришда қилинган умумий харажат. Бу кўрсаткич капитал маблағ сифатидан маҳсулот таннархи пасайганлигини кўрсатади;

✓ 1 сўмлик инвестиция ҳисобига тежалган маблағ. Бу кўрсаткич инвестиция маблағи сарфида пул маблағидан қай даражада фойдаланишни кўрсатиб, бир вақтда инвестиция маблағининг рентабеллигини ўз ичига олади;

✓ сарфланган инвестиция маблағини тиклаш муддати. Бу кўрсаткич инвестиция маблағи сарфининг қопланиш муддатини кўрсатади.

Демак, жалб этилган инвестиция маблағининг самарадорлиги меҳнат бирлигида тежалган жонли меҳнат, маҳсулот бирлигини етиштиришда қилинган умумий харажат, 1 сўмлик инвестиция ҳисобига тежалган маблағ, сарфланган инвестиция маблағини тиклаш муддати, инвестиция маблағининг улуши кўрсаткичлари ёрдамида белгиланади.

Ишлаб чиқариш инвестицияларини таҳлил қилишда марказий ўринни муқобил инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва таққослаш эгаллайди. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашни бухгалтерия ва статисти-

ка ҳисоботлари натижасида олинган маълумотлар асосида, шунингдек, пул оқимларини (кирим ва чиқим) дисконтлаш услубларига асосланиб характерлаш орқали амалга ошириш мумкин [17].

Маблағларни инвестициялашда рискни камайтириш учун натижаларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида таҳлилнинг турли хил услубларига ёндашилади, буларга статистик услублар, иқтисодий-математик услублар ва шу кабилар киради.

Инвестиция самарадорлигининг у ёки бу кўрсаткичлари тизими ва таҳлил услубларини қўллаш инвестиция жараёнини амалга оширишнинг аниқ шароитларидан келиб чиқади, шунингдек, бу кутилаётган маблағнинг миқдорига бундай таҳлилни амалга оширмоқчи бўлганларнинг иқтисодий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Кўпинча инвестиция лойиҳасини оптимал вариантини танлаб олиш имконияти вужудга келиши учун бир вақтнинг ўзида жуда кўп услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш худди шундай инвестиция лойиҳалари бўйича амалда вужудга келган кўрсаткичларни тадқиқот қилишга асосланиши керак.

Одатда, мамлакатда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётида *ICOR* (*Incremental Capital-Output Ratio*) индексидан фойдаланилади (ялпи ички маҳсулот ўсишининг капитал сиғими). У қуйидагича аниқланади [18]:

$$ICOR = \frac{\left(\frac{I}{Y} \cdot 100\% \right)}{\Delta Y\%} \quad (2)$$

Бу ерда: *I* – асосий капиталга киритилган инвестициялар, *Y* – мамлакатда ЯИМ ҳажми, $\Delta Y\%$ – ЯИМ миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.

ICOR индекси қанчалик паст бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу ерда мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти юқорилигини, ўзлаштирилган ҳар бир бирлик инвестиция ўзидан олдинги даражадан юқори бўлган миқдорда маҳсулот яратиш имконини беради. Бу эса мавжуд ҳолатда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади.

ICOR индекси қанчалик юқори бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти пастлиги-

дан гувоҳлик беради, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаган.

Б.Б.Валиев инвестициялар самарадорлигини баҳолашда “капитал қайтими”, “инвестиция мультипликатори”, “капитал сиғими”, “ICOR коэффициенти” ҳамда “тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда салоҳиятдан фойдалана олиш индекси” каби кўрсаткичларни ҳисоблашнинг модификацион усулларини таклиф қилади ва буларни хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари тизими деб номлайди [19].

Муаллифнинг фикрича, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таъсир қилувчи омиллар гуруҳлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарувнинг институционал омиллари;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси омиллари;
- илмий, таълим ва технологик омиллар;
- табиий ва ишчи кучи ресурслари;
- бозор қўлаи омиллари;
- иқтисодий эркинлик ва очиқлик ҳолати;
- давлатнинг қўллаб-қувватлаш омиллари;
- макроиқтисодий ҳолат омиллари.

Бугунги кунда амалиётда инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг жуда кўп аб усуллари мавжуд бўлиб, шулардан битта усул инвестицияларнинг фойда нормасидир: *ARR* (*Accounting Rate of Return*). Мазкур фойда нормаси қуйидагича аниқланади [20]:

$$ARR = \frac{PN}{1/2(IC - RV)} \quad (3)$$

Бу ерда: *ARR* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги, *PN* – қўйилган пул маблағларидан ўртача йиллик фойда, *IC* – маълум лойиҳа доирасида инвестицияланган пул маблағлари суммаси, *RV* – активларнинг қолдиқ қиймати катталиги.

Кўриниб турибдики, инвестицияларнинг самарадорлиги қўйилган пул маблағларидан олинган ўртача йиллик фойдага бевосита боғлиқ бўлиб, унинг қиймати қанчалик катта бўлса, *ARR*нинг қиймати ҳам шунчалик катта бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги *ICOR* (*Incremental Capital-Output Ratio*) индексини биз машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғидаги инвестициялар самарадорлигини баҳолашда ҳам

қўллашимиз мумкин. Бундай ҳолатда тармоқ мисолида мазкур формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$ICOR_m = \frac{\left(\frac{I_m}{Y_m} \cdot 100\%\right)}{\Delta Y_m \%} \quad (4)$$

Бу ерда: *I_m* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, *Y_m* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида ялпи тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, ΔY % – тармоқда ялпи ишлаб чиқариш миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.

Бундан ташқари “тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда салоҳиятдан фойдалана олиш индекси”дан келиб чиққан ҳолда машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғи мисолида назарда тутилаётган формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I(cф) = \frac{ТТХИ(мм) / ТТХИ(м)}{ЯИМ(мм) / ЯИМ(м)} \quad (5)$$

Бу ерда: *I* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси, *ТТХИ(мм)* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғига кирувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, *ТТХИ(м)* – мамлакатга жалб қилинувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажми, *ЯТИЧХ(мм)* – машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида ялпи тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, *ЯИМ(м)* – мамлакатнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми.

Хулоса қилиб айтганда, 2021 йил давомида мамлакатимиз саноатининг машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида *ICOR* индекси 2,1 га тенг бўлиб, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоғида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси 7,6 га тенг бўлиб, бу тармоққа инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олинганликни кўрсатди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. *Econ Model.* 2020. <https://doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004>
2. Астанакулов О.Т. Инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 3-сон, май-июнь, 2021 йил.
3. Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С., Халиков С.У. Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 3-сон, июнь, 2018 йил.
4. Жигарев С.А. Факторы повышения эффективности инвестиционных процессов в машиностроении. // *TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета)*. 2009. Том 7. № 2 (часть 3). – 170 с.
5. Корчагин Ю.А., Маличенко И.П. Теория инвестиций. Издательство "Феникс". – М., 2008 г. С. 285.
6. Розанов Д.А. Государственное регулирование национальной экономики. Учебно-методическое пособие. – А.: ООО "Редакция газеты", 2020. – 124 с.
7. Бирюков Д.В. Эффективность инвестиций на макроэкономическом и региональном уровнях. // *Журнал Российское предпринимательство*. № 2 (2). 2010. 2-9 с.
8. Shihong Zeng, Chunxia Jian, Chen Ma, Bin Su. Investment efficiency of the new energy industry in China // *Energy Economics*. Volume 70, February 2018, Pages 536-544. <https://doi.org/10.1016/j.eneco.2017.12.023>
9. Zhi-xiong Huang, Xiaozhong Li, Yuheng Zhao. Stock Pledge Restrictions and Investment Efficiency // *Finance Research Letters*, Available online 4 April 2022, 102864. <https://doi.org/10.1016/j.frl.2022.102864>
10. Chenguel Med bechir. Meriem Jouirou. Investment efficiency and corporate governance: evidence from Asian listed firms. // *Journal of sustainable finance & investment*. September 2021. <https://doi.org/10.1080/20430795.2021.1974241>
11. Bole Zhou, Shouguo Zhao. Industrial policy and corporate investment efficiency. // *Journal of Asian Economics*. Volume 78, February 2022, 101406 <https://doi.org/10.1016/j.asieco.2021.101406>
12. Жигарев С.А. Теоретические аспекты развития инвестиционных процессов в машиностроении. // *Журнал Terra Economicus*. Том 7. № 4 (2). 2009. 79-82 с.
13. Жигарев С.А. Факторы повышения эффективности инвестиционных процессов в машиностроении. // *TERRA ECONOMICUS*. 2009. Том 7. № 2 (3). – 171 с.
14. Баранников М.М. Эффективность инвестиционных процессов, машиностроительного производства. – М.: Финансы и кредит, 2008. – 174 с.
15. Кесян Г.В. Обоснование индикаторов эффективности инвестиционной политики машиностроительных предприятий. // *TERRA ECONOMICUS*. 2009 Том 7. № 3 (3). – 168 с.
16. Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган авторферат. – Т., 2008. – 10 с.
17. Шодиев Х.А. Молия статистикаси. Дарслик. – Т., 2010. – 173 б.
18. Пулатова М.Б. Саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари. PhD дисс. автореф. – Т., 2018. – 14 б.
19. Валеев Б.Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. PhD дисс. автореф. – Т., 2017. – 14 б.
20. Михайлова Э.А., Орлова Л.Н. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. – Рыбинск: РГАТА, 2008. – 75 с.



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР
САМАРАДОРЛИГИ**

Садикова Ферузахон Рахимовна -
Қўқон давлат педагогика
институтини ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a18

Аннотация. Мақолада инвестицияларни фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича замонавий шароитларга мос чоралар ва механизмларни ишлаб чиқиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ҳар томонлама оширишга олиб келадиган мувозанатли прогрессив инвестиция сиёсатини шакллантириш ва бугунги кунда инвестиция соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни самарали таъминлашга тўққинлик қиладиган бир қатор муҳим муаммолар мавжудлиги, уларнинг асосийси жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг етарли эмаслиги, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва уларнинг мантиқсиз тақсимланиши тўғрисида фикр юритилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция сиёсати, миллий иқтисодиёт, самарадорликни ошириш, хорижий инвестициялар, технологик қайта жиҳозлаш, ахборот-коммуникация технологиялари, кластер.